

Мусулмоннинг айбини беркитиш

Image not found or type unknown



11:35 / 03.01.2019 5457

انَلِّ نِي اُولَاقِفِرْمَاعِنْبَعَبَقُعَلِ اِمْوَقَاجَ لَاقُ هُنَعُ هَلَلِ اِيضَرِّي رِمَثِي هَلِ اِي بَا نَع
هَلَلِ اِلْوَسَرُّتُعَمَس، اَل لَاقِ اِم اِل اِي لِمُهَعَفَرَنَفَا، نُولَغَفَي وَنُوبَرَشِي اِن اَرِي ج
اِي حَا نَمَكَ نَاك، اَهَرَتَسَفَ رُوَعِ مِلْسُمُ نَم اِرُ نَم» لُوَقِي مَلَسَو هَلَلِ اِي لَص
«اَهَرَبَقُ نَمَّ دُوَعُوم».

Абул Ҳайсамдан ривоят қилинади:

«Уқба ибн Омирнинг олдига бир қавм келиб:

**«Бизнинг қўшниларимиз ичишади, у қилишади, бу қилишади, шуни
бориб, имомга айтсакмикан?» дейишди.**

«Йўқ! Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Ким бир мусулмоннинг айбини кўрса ва уни беркитса, худди тириклай кўмилган қизни қабрдан чиқариб, қутқариб олгандек бўлади», деганларини эшитганман», деди».

Ушбу ҳадис мўмин-мусулмонлар бир-бирларининг айбларини беркитишлари лозимлигини кўрсатмоқда. Бир кишининг айб иш қилаётганини кўрган киши бу гапни бошқа ерда айтмаслиги керак. Ҳар ерда «Фалончининг фалон қилаётганини кўрдим» қабилида айтаверса, одамларнинг ичида гап тарқалиб, ҳамма бир-бирига гап ташиб, ниҳоят, жамиятда мана шу айб ишга лоқайдлик вужудга келади. Чунки ҳадеб айтилаверган нарсаси оддий ҳол бўлиб қолади, унга кўпчилик кўникиб қолади.

Шунинг учун бундай хабар айтилса, мутасадди, масъул шахсларга, давлат раҳбарига айтилиши, бу ишнинг зарари, хавфи тушунтирилиши керак.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳунинг «давлат раҳбарига ҳам айтманглар», дейишларига сабаб шуки, айбдорлар бу ишни яшириб қилишган. Яшириб қилса, демак, бир гап бор, демак, бир марта қилган бўлиши мумкин, кейин қилмаслигига умид бор.

Лекин ошкора қилса, бу иш масъул одамга албатта етказилади. Мисол учун, биров кўчада ошкора маст бўлиб юрибди. Буни айтмай бўлмайди. Лекин уйда бекиниб, яширинча ичаётган кишини кўрган одам бу ҳақда ҳаммага жар солмаслиги, аксинча, буни яшириб, «Мен нотўғри кўрган бўлайин, бу иш яхши бўлиб кетсин» қабилида Аллоҳ таолога дуо қилиши керак экан. Иншааллоҳ, шунда ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Бошқа нарсаларда ҳам шундай. Бир киши гуноҳни ошкора, ҳамманинг кўз ўнгида қилса, албатта, уни жазолаш чораларини кўриш керак бўлади.

Бироқ гуноҳни яширинча қилаётган бўлса, у ҳолда мазкур ҳадисга риоя қилиш керак бўлади. Мабодо хабар берган одам бу гуноҳ содир қилинганлигини исботлай олмаса, туҳмат қилгани учун унинг ўзига дарра урилади.

«Одоблар хазинаси» китобидан